БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 266 (3767)
23 ПАЙШАНБА НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Вақтдан ўзаётганлар*

ПЕШҚАДАМЛАР ИБРАТИ

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасининг 3-қурилиш трестига қарашли 5-қурилиш бошқармасининг бинокорлари беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун иш суръатини кун сайин оширмоқдалар. Меҳнат беллашувларида ишлаб чиқаришга илғор иш усулларини жорий этаётганлар, иш вақтини тежаётганлар голиблик қилишаётир.

Аброр Отахонов бошлиқ комплекс бригада Тошкент шаҳри бинокорлари ичида биринчилардан бўлиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлай бошлаган эди. Ҳозирга келиб коллектив бу усулда иш олиб боришда жуда катта тажриба тўплагандир. Шунинг учун бригада қурувчилари объектларни тез ва сифатли бунёд этишга муваффақ бўлишмоқда.

— Слоним кўчасида тўрт қаватли турар жой биноси қурилишини муддатидан 53 кун илгари битказдик,— дейди бригада бошлиғи А. Отахонов.— Қурилиш материалларини тежаб-тергаб ишлатишимиз сабабли қарийб 8 минг сўмлик капитал маблағни иқтисод қилдик.

Бошқармада илғорлар тажрибаси барчаниқг мулки ҳисобланади. Шунинг учун бошқа жамоалар меҳнат қилишга эришмоқдалар. Бошқарманинг Янис Веларис, Виктор Гергенгрейдер раҳбарлигидаги бригадалар ҳам объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартиришга, қурилиш ишларининг сифатини ўстиришга муяссар бўлишяпти.

⊙ ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

АФҒОНИСТОН — АСОСИЙ БУЮРТМАЧИ

Тошкент тўқимачилик комбинатида тайёрланаётган рангдор газламаларни қизиқиш билан сотиб олаётган мамлакатлардан бири Афғонистон Демократик Республикасидир. Бу мамлакатнинг турли корхоналари ва савдо ташкилотлари йил бошидан буён бир неча марта Ўзбек газламасини харид қилиб олди. Март ойида 100 минг метр, апрель ойида 35 минг метр, май ойида 35 минг метр, июнда 46 минг метр газлама жўнатилди.

БУГУН

қўшни мамлакатга маҳсулотнинг навбатдаги катта туркуми жўнатилди. Ийл бошидан буён бажарилган буюртманинг умумий миқдори ярим миллион метрдан ошди. Декабрь ойининг охирига қадар яна бир неча марта экспорт маҳсулоти Афғонистонга юборилади.

Корхона маҳсулотларини сотиб олаётган Монголия Халқ Республикаси ҳам Тошкент тўқимачиларидан мамнун бўляпти.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

Ўзбекистон автомобиль транспорти министрлигининг «Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кўриқ» хотира китоби юзасидан китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция яниги асар юзасидан бирлашманинг барча бўлимларида ўтказилган муҳокамага якун ясади.

Залга уруш ва меҳнат ветеранлари, коммунист ва комсомоллар тўпланишди. Бу эпопеяга бағишланган конференцияни бирлашма партия бюросининг аъзоси А. Алимов очди. У ўртоқ Л. И. Брежневнинг қўриқ ерларни ўзлаштиришдаги қаҳрамонона ишлари картинасини, совет кишиларининг тинчлик йилларида ғалла етиштириш борасидаги улкан жасоратини тўла акс эттирган янги асарининг роли ва аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Конференция иштирокчилари олдида О. Змиевский, П. Абрамов, Т. Қосимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Қўриқ ернинг бевосита иштирокчилари бўлган Л. Кристаллович, Н. Янец ўртоқларнинг ҳикояларини зўр қизиқиш билан тинглашди.

Китобхонлар конференцияси юқори голвий-сиёсий, ташкилий савияда ўтди. Унинг барча иштирокчилари қалбида чуқур из қолдирди.

Л. МАТКАРИМОВА.

«Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими.

ИЛҲОМБАХШ АСАР

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Езувчи ва олим П. Қодиров ўз докладида «Қўриқ» асарининг ижтимоий-сиёсий фазилатлари ҳақида сўз юритиб, унинг айниқса, ёзувчиларга катта илҳом бахш этишини таъкидлаб ўтди.

Филология фанлари докторлари М. К. Қўшжонов, М. Юнусов, Х. Абдусаматов ва бошқа нотиқлар «Қўриқ» асарининг тарихий-тарбиявий ва эстетик қимматини хусусида завқ-шавқ билан сўзладилар. Бу асар адабиёт ва санъатнинг ривожланишида бекиёс катта роль ўйнаяжагини алоҳида уқтириб ўтдилар.

С. МАМАЖОНОВ.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТИ

БУГУН

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида шаҳар лекторлик маҳорати университетининг бу йилги дастлабки машғулоти бўлиб ўтди.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг ҳозирги пайтда совет кишиларида катта қизиқиш уйғотаётган «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларининг тинчлик йилларида ғалла етиштириш борасидаги улкан жасоратини тўла акс эттирган янги асарининг роли ва аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Конференция иштирокчилари олдида О. Змиевский, П. Абрамов, Т. Қосимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Қўриқ ернинг бевосита иштирокчилари бўлган Л. Кристаллович, Н. Янец ўртоқларнинг ҳикояларини зўр қизиқиш билан тинглашди.

Китобхонлар конференцияси юқори голвий-сиёсий, ташкилий савияда ўтди. Унинг барча иштирокчилари қалбида чуқур из қолдирди.

Л. МАТКАРИМОВА.

«Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА — ИШЧИ КАФОЛАТИ

Қурилиш майдонида

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести 70-қурилиш бошқармасининг Юрий Губайдулин бошлиқ бригадаси «Марказ-22» кварталида тўққиз қаватли 54 хонадонга аталган турар жой биносини бунёд этмоқда. Бригада пудрати усулида ишлаётган коллектив қурилиш ишларининг таннархи ва смета баҳосини арзонлаштиришга эришаётир.

БУГУН

БРИГАДА КЕЛГУСИ ЙИЛНИНГ ИЮЛЬ ОЙИ ҲИСОБИГА ИШЛАН БОШЛАДИ.

Коллектив муваффақиятига В. Рахимов, Р. Мусаназаров сингари монтажчилар катта ҳисса қўшишмоқда. Беш йилликнинг учинчи йилини муносиб якунлашга қарор қилган коллектив йил охиригача планга қўшимча 2 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш ниятидадир.

• *Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмалари — муддатидан илгари*

ТЕЗ ВА СОЗ

Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина саноат корхоналари партия чақиригига жавобан «Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмалари — муддатидан илгари, юксак сифатда» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, сибирликларнинг буюртмаларини тез ва соз бажаришда «Геологоразведка» заводи коллективи ғайрат кўрсатяпти.

Агар корхона мижозлари рўйхатига кўз ташласангиз, унда Тюмень, Петропавловск, Усть-Кут, Томск, Иркутск, Сахалин, Хабаровск, Чита, Улан-Удэ, Баркута, Красноярск каби ўнлаб шаҳарларга кўзингиз тушади. «Геологоразведка»чилар ҳар ойда мижозларга 110 минг сўмлик маҳсулот жўнатмоқда.

БУГУН

завод таъминот бўлими геология-қидирув ишларида ишлатиладиган асбоб-ускуналардан бир туркумини Красноярск шаҳрига жўнатди.

Буюртмачилар сони ойдан-ойга кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, завод маҳсулоти ўзининг сифатлилиги ва мустаҳкамлилиги билан мижозларга маъқул бўлмоқда. Геология-қидирув ишларида бундай техника икки баравар унум билан ишлайди.

Коллективдаги шаҳсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ado этган токарь Н. Плотников, фрезерчи О. Корнейко, токарь М. Солиқов каби ишчилар юксак самарали меҳнат қилишяпти.

М. МИРЖАЛОЛОВА.

ҚИШЛОҚҚА — САМАРАЛИ ЁРДАМ

Муносиб ҳисса

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан илҳомланган олий ўқув юртлари ва техникумларининг студентлари қабул амри билан Жиззах чўлларида етиштирилган «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмай териб олиш учун жўнаб кетган эдилар.

Ҳозирги кунда Жиззах области совхозларида пахта йиғим-теримида механика факультетининг студентлари Зебо Остонова, Хушребо Тўраева, Қўчқор Йўлдошев, Зулайхо Рўзибоева, Икром Султонов ва бошқа кўплаб студентлар ҳар куни 100 килограммдан кўрак териб бермоқдалар. Шунингдек, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари ҳам «Тошкент», «Советская Россия» ва «Ўзбекистон» совхозларида меҳнат қилишиб, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти, хисоблаш-кредит техникуми ва бошқа ўқув юртларининг талабалари ҳам мазкур олий ўқув юртининг студентларидан қолишмаяпти.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ишига Фрунзе районидаги саноат корхоналари коллективлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, «Таштекстильмаш» заводининг ишчилари зарур бўлган миқдордаги печкаларни тайёрлаб бердилар. «Главташкентстрой»нинг 1-ёғочни қайта ишлаш заводи механизаторлари эса оталиқдаги совхозни ўтин билан таъминлашди. Райондаги соғлиқни сақлаш бўлими эса барча совхозларга врачларни юборибгина қолмай, зарур бўлган дори-дармонларни ҳам жўнатди. Фрунзе савдо маркази ва «Райпищеторг» студентларни озиқ-овқат ва иссиқ кийим-кечак билан таъминлаб турибди. Кечқурунлари эса дала шийпонларида район маданият бўлими қошидаги бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари концерт программалари билан ҳаваскорларини мамнун этишмоқда. Шунингдек, кўчма кино устахонаси ҳам кинофильмлар намойиш этяпти.

Р. ПОДМАРЕВ,
Фрунзе район партия комитети қошидаги штаб бошлиғи.

ПАХТАКОРНИ ХУШНУД ЭТИБ

Беш йилликнинг ўтган икки йилу ўн ойи мобайнида Собир Раҳимов районидаги корхоналар оталиқдаги хўжаликларга 60 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, агрегат, узеллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришди. Албатта бунда агрегат заводининг ҳиссаси каттадир.

Заводимиз меҳнат аҳли партия қарорларига жавобан йил бошиданоқ оталиқ ёрдамини кучайтириб юборди. «Оталиқдаги совхоз буюртмасини барвақт бажарайлик!» шиори остида меҳнат қилган агрегатчиларимиз Сирдарё область Оқ олтин районидаги Ворошилов номли совхоз чўлқуварларига ҳар томонлама кўмак бердилар. Жумладан, «ТТЗ» тракторининг 30 та орка кўпригини Мирзачўл пахтакорларига муддатидан илгари етказиб берилди. Хуллас, совхозга редукторлар, эҳтиёт қисмлар ҳам жўнатилиб, ўзаро қабул қилинган оталиқ шартномамизнинг асосий бандларини шараф билан ado этдик.

Айни кунларда республикамизнинг бутун меҳнат аҳли бободеҳқоннинг пешона тери билан етиштирган пахта ҳосилини териб олишга қаратилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан коллективимиз пахтайғим теримида ҳам актив иштирок этяпти. Ҳозирда 50 нафардан ортиқ ишчи Тошкент область Бўка районидаги «Партия XX съезди» номли колхоз пахтакорларига ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда кўмаклашяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 60— 80 килограммдан подбор териб, колхоз хирмонини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшяпти. Айниқса, ишчи ва хизматчиларимиз В. Цой, А. Салоҳиддинова, В. Мамадалиев, Отабоевлардан колхоз маъмурияти жуда мамнун бўлмоқда. Ҳозиргача тошкентлик агрегатчилар уйган «оқ олтин» хирмони тўрт тоннадан ошиб кетди.

Б. ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент агрегат заводи 1-цехининг токари, партком аъзоси.



Комсомол аъзоси Надежда Юрчанова «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ёш зарбдор ишчиси. У смена-ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент ало этиш билан бирга юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: Н. Юрчанова.
М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 22 ноябрь куни Москвада Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши иш бошлади.

● Ўзбекистонга келган Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси подполковник Менгисту Хайле Мариам 22 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ҳузурида бўлди. Меҳмон республика Олий Совети, ҳукумати ва маҳаллий Советларнинг фаолияти билан танишдилар.

Меҳмон ва унинг ҳамрохлари Тошкент тўқимачилик комбинатида, Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлдилар. Менгисту Хайле Мариам республика пойтахтидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган эфиопиялик студентлар билан ҳам учрашди.

• *Истеъмол буюмларига — кенг йўл*

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Болалар учун молдар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, шу моллар савдосини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи олдига ҳам тегишли вазифаларни қўяди. Бу борада бирлашма коллективи талайгина ишларни амалга оширишга киришди. Айниқса, болалар маҳсулоти сифатига катта аҳамият берилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган 18 хил болалар кийим-кечаги Сифат белгиси билан, 3 номдаги маҳсулот эса Олимпиада—80 белгиси билан чиқарилмоқда. Йилнинг ўн ойи давомида болалар ички трикотаж ва пландагидан 295 минг дона, уларнинг устки трикотажи 372 минг дона кўп ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари бирлашма коллективи болалар маҳсулотига бўлган талабни ойидан ўрганиш максадида савдо тармоқлари билан узвий алоқа боғлаган. Ҳозиргача шаҳардаги 6 та савдо тармоғида трикотаж буюмлари кўргазмаси ўтказилди. «Болалар дунёси» савдо комплексида эса 3 марта ана шундай савдо кўргазмаси ўтказилди.

Мана шу кўргазмаларда болалар кийимларига берилган баҳо асосида бирлашма ишчилари ўз иш режаларини белгилайдилар.

— Бу қилинаётган ишлар билан чекланиб қолмаслигимиз керак, — дейди биз билан суҳбатда бирлашма ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Рустам Ғуломов.— Ҳали бизда ички резервлар жуда кўп. Партия ва ҳукуматимизнинг қарори асосида конкрет тадбирлар ишлаб чиқдик. Бизнинг мақсадимиз болалар учун чиройли, сифатли, чидамли, ранг-баранг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бу маҳсулотга бўлган талабни тўла қондиришдан иборатдир.

Х. ТОЖИМАТОВ.

ЗАВҚ-ШАВҚ БИЛАН

Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти студентларининг республикамизнинг катта пахта хирмонига кўшган хиссаси 150 тоннадан ортди. Студентларимиз Сирдарё областининг Ильич районидаги Г. Волков номли совхозда гайрат билан ишлашяпти. Улар бир кунда 10 тонна ва ундан ошириб пахта теришга эришяптилар. Бундан ташқари бўлғуси санъаткорлар бўш вақтларида дала шийпонларида концертлар қўйиб беришяпти. Завк-шавқ билан ижро этилган қўшиқ ва рақслар пахтакорларни гоят мамнун этяпти.

М. ФАТТОҲОВ.
Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти актерлик маҳорати кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Техника — деҳқонга

Тошкент шаҳри машинасозлик корхоналарида дала механизаторларининг буюртмалари бўйича юксак унумли техника тайёрлаш ҳажми ойдан-ойга ўсиб боряпти. Шунингдек, бир йўла меҳнат коллективларининг ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштиришни амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси ҳам ортиб боряпти.

Беш йилликнинг учинчи йили ўтган ўн ойи мобайнида тошкентлик машинасозлар мамлакатнинг пахтачилик республикалари механизаторларига қуйидаги қишлоқ хўжалиги машиналарини:

● Пахтачилик учун мўлжалланган 19.585 та трактор, шу жумладан кучли қувватга эга бўлган МТЗ—80 тракторини;

● Турли хил маркадаги 7.394 та «Заингори кема», шу жумладан ингичка толали пахтани ҳамда табақалаб теришга мўлжалланган комбайнлар;

● «Оқ олтин»ни қоп-қанорсиз ташийдиган 30.892 та трактор прицепларини.

● 1.230 та подбор терувчи, 2.426 та кўрак чувиш машиналарини етказиб бердилар.

ИЖОДИЙ ШАРТНОМА АСОСИДА

Горький номли рус давлат академик театри артистларини кейинги пайтларда «Чинноз» совхоз-техникумила тез-тез кўриш мумкин. Улар бу ерда ўзларининг спектаклларини, концерт программаларини намойиш этишмоқда. Тошкентлик саҳна усталари совхоз бадиий ҳаваскорлик тўгарагини ташкил этишга ҳам ёрдам беришмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Горький номли театр коллективи билан совхоз коллективи ўртасидаги ўзаро тузилган ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида олиб бориляпти.

Яқин кунларда театр артистлари ўз оталиғидаги хўжаликка янги спектакль ва катта концерт программаси билан ташриф буюрадилар.



«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарн Фаяс Садриддинов бир неча йиллардан бери коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли номни шараф билан оқлаб келмоқда. У смена топшириқларини 120 процентга етказиб ado этиш билан бирга, аъло сифатли маҳсулот топширмоқда.

Р. Загратдинов фотоси.

КУТУБХОНА ОЧИЛДИ

БУГУН

Сергели районидаги 2-Сергели массивининг 38-уйида янги кутубхона биноси ишга туширилди. Маданият ўчоғи учун «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг мутахассислари ишлаб чиққан типовой лойиҳа асосида махсус бино қуриб берилди.

Янги кутубхона каталар ва болалар учун мўлжалланган бўлиб унинг умумий китоб фонди 11300 дан зиёд турли хил адабиётлардан иборат.

Шаҳар маданият бошқармасига қарашли 99 та кутубхонадаги китобларнинг сони 2 миллион 600 дан ортиқдир.

Ҳозирги пайтда кутубхоналарнинг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» хотира асарларининг аҳамиятига бағишлаб турли хил маданий тадбирларни олиб бормоқдалар. Бу қимматли асарларга бағишлаб кўргазмалар ташкил этилияпти, китобхонлар конференциялари ўтказилмоқда. Чилонзор, Фрунзе районларининг кутубхоналарда бўлиб ўтган конференция л а р д а турли касб эгалари сўзга чиқиб, ана шу хотира асарларининг жуда катта аҳамиятга молик эканлиги ҳақида гапирдилар.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Испанияга ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан тазйиқ қилмоқдалар

Ғарб ахборот агентликларининг яқинда Испанияда ҳарбийларнинг ҳукуматга қарши фитнаси фош бўлганлиги тўғрисида Мадриддан берган хабарлари синчков кузатувчини ажаблантирмайди. Кейинги вақтлардаги воқеалар шундан далолат бераки, мамлакат конституцияси тўғрисидаги миллий референдум арафасида Испаниянинг франкоча ўтмишини қўмсаётган ашаддий ўнг сиёсий кучлар яна бош кўтармоқдалар. Энг реакцион ҳаракатлар ва гуруҳлар 17 ноябрь куни Испания пойтахти марказида ўтказган ҳукуматга қарши намойиш ҳам ана шундан далолат беради. Намойишда қатнашган «Янги куч», «Исо қўшинлари», «Фронтчилар миллий уюшмаси» ва шу сингари ташкилотлар Министрлар кенгашининг раиси А. Суарес кабинетига кўпол ҳуруж гапларни ёғдирдилар. ҳукуматни «миллий манфаатларга хиёнат қилди» деб айбладилар., Мамлакатда давом этаётган демократлаштириш жараёни фашист унсурлар тилида ана шундай деб аталмоқда.

Тўнтариш қилиш йўлидаги уринишнинг ўзига келганда, шу нарса маълум бўлдики, франкопараст кичик бир гуруҳ олий офицерлар Министрлар кенгашининг раисини ва ҳукуматнинг бир неча аъзосини қамоққа олмоқчи бўлганлар, бироқ фитнанинг ҳамма қатнашчилари ўз вақтида қамоққа олинди, чунки уларни узоқ вақтдан бери махсус маҳкамалар кузатиб юрган эди.

Барбод бўлган ҳарбий фитна йўлидаги уриниш, биринчидан, испан реакциясининг активлиги кучайиб бораётганлигини кўрсатган бўлсе, иккинчидан, армия офицерлари орасида ўта ўнг унсурлар билан бирга ҳозирги ҳукуматга қарши чиқишга тайёр бўлган кишилар йўқлигини намойиш қилди.

Мамлакат ичкарисида реакцион унсурларнинг фаоллияти жонланиши билан айни бир вақтда НАТО доираларининг Мадридга тазйики кучаймоқда. НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони Америка генерали А. Хегнинг Испания матбуоти вакиллари билан яқиндаги суҳбатда айтган гаплари эътиборни ўзига тортади.

Хег суҳбатдан фойдаланиб, Испанияни зўр бериб НАТОга киришга ундеди, гўё «совет ҳарбий хавфи» бор деган сийқаси чиқиб кетган ташвиқотчилик тезисини рўкач қилиб, Испания маъмурларининг шунга розн бўлишлари зарурлигини исботламоқчи бўлди. Генерал Хег испан коммунистларининг ўз мамлакати ҳукуматида иштирок этишига қарши андишасизлик билан айтган гапларни ҳам жамоатчилик Испаниянинг ички ишларига қўпол аралашув, деб баҳолади.

Ички реакциянинг кирдикорлари билан ташқаридан ўтказилаётган тазйиқ ўртасида ўзаро алоқа борлиги равшан. Ичкаридаги кучлар ҳам, ташқаридагилар ҳам испан халқининг туб манфаатларига хилоф равишда, ниҳоят Испания чинакам мустақил, демократик мамлакат бўлиб қолишига ҳар қандай воситалар билан ҳалақит беришга уринмоқдалар.

Е. БАБЕНКО,
ТАСС обзорчиси.

ОШКОРАЛИК, ТАЪСИРЧАНЛИК, ЎЗАРО ЁРДАМ — МУСОБАҚА ШИОРИ

МАНА БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, ТОШКЕНТ ВА ОЛМАОТА АВИАКОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ЎЗАРО МУСОБАҚАЛАШАДИЛАР. БУГУН БИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮТУҚЛАРИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ РОЛИ, АВИАТОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИДАГИ БОШҚА МУСОБАҚАДОШ КОЛЛЕКТИВЛАР УЧУН ҲАМ ФОЙДАЛИ БЎЛГАН БОЙ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

«Олмаота ва Тошкент авиакорхоналари ўртасида социалистик мусобақа кенг кулоч ёйдирилди. Бу мусобақа ишлаб чиқариш планларини бажаришда ва коллективларни дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик руҳида тарбиялашда қўл келаяпти...»

(Олмаота ва Тошкент авиаторларининг социалистик мусобақаси тўғрисидаги шартномадан).

БИЗНИНГ АНКЕТА

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

1. Сиз бошчилик қилаётган авиакорхона коллективи йил нинг ўн ойи планини қандай якунлади ва бу марраларни қўлга киритишда социалистик мусобақанинг роли қандай?

2. Сизнингча, тошкентлик ва олмаоталик авиаторлар нинг меҳнат беллашуви тажрибасидан бошқа мусобақадош коллективлар нималарни ўрганса бўлади?

Бу саволларга қуйидаги ўртоқлар жавоб беришади:



Е. Е. ЕФИМКОВ,

Тошкент авиакорхонаси командири вазифасини бажарувчи:

1. Йилнинг ўн ойи натижалари бизни қувонтиради. Участка йўловчилар оборотини бўйича план 102.4 процент, пассажирлар ташиш бўйича эса 102,7 процент, почталарни жўнатиш бўйича 103,1 процент, юк жўнатиш бўйича 102,3 процент бажарилди.

Эксплуатацион тонна-метраж бўйича кўрсаткич планга нисбатан 101,2 процентни ташкил этди.

Тошкентлик авиаторлар ёнилғини тежаш бўйича ҳаракатга актив қўшилдилар. Беш йиллик бошидан шу кунга қадар улар 9.5 минг тонна ёнилғини тежашди.

Бу йил шунинг учун ҳам диққатга сазоворки, авиакорхоналарда самолётлар паркини янгилаш ва кенгайтириш, кўпгина хизматларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича катта ишлар қилиняпти.

Бу ерда амалда ўз кучлари билан ва қисқа муддатларда район диспетчерлик хизматлари реконструкция қилинганлиги, ТУ—154 самолётлари муваффақиятли ўзлаштирилганлиги, янги авиация йўллари очилганлиги ҳақида гапириш мумкин.

Бу тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилишида ва юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қўлга киритилишида менимча тошкентлик ва олмаоталик авиаторларнинг ўзаро социалистик мусобақаси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шуни ростгўйлик билан тан олиш лозимки, бир пайтлар биз кўпрок «қоғозда» мусобақалашардик, мусобақа натижаларига расмиятчилик билан якун ясаларди. Ҳаётнинг ўзи бундай аҳволни ўзгартиришни тақазо этди.

Биз учун КПСС XXV съезди қарорлари бурилиш нуқтаси бўлди. Уларда мамлакат халқ хўжалигини янада юксалтиришда граждан авиациясининг аҳамиятига юксак баҳо берилди. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорлари ишнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, бу демак, социалистик мусобақани янада такомиллаштиришда янги қудратли омил бўлди.

2. Бизнингча социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири унинг ошкоралигидир.

Баъзан у ёки бу коллективда жуда яхшилаб безатилган, меҳнат беллашувига бағишланган стендларни кўрасиз. Лекин бу стендлар одамларга ҳеч нима бермайди, чунки улар вақти-вақтида тўлдириб борилмайди.

Бизда бундай стенд фақат ўз вақтидагина эмас, балки авиакорхона командири Р. Л. Лутфитдинов, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакиллари иштирокида тўлғазилади. Олмаоталиклар меҳнат беллашувининг бориши, уларнинг якуни тўғрисида барча учувчилар бўлинмаларига ва хизматчиларга мунтазам маълум қилинади. Шунинг учун ҳам бизнинг ходимлар учун стенддаги рақамлар мавҳум бир нарса эмас, балки аниқ мазмунга эга, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради.

Ҳар кварталда якун чиқаришдан ташқари 10-15 кунда, Тошкент ва Олмаотада бир пайтнинг ўзида авиакорхоналар раҳбарлари, партия ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари йиғилишади. Телефон орқали 10 кунлик мусобақа якунлари оператив якунланади ва таҳлил этилади. Шундан кейин бу рақамлар ва хулосалар ҳар бир хизматда, ҳар бир корхонада атрофлича муҳокама қилинади. Бундай ўн кунлик якунларнинг натижаси яхши бўляпти. Кишилар меҳнат беллашувининг боришини доимо кўзатиб турадилар, ҳозирги пайтда ким олдинда боряпти-ю, кимлар суръатни тезлаштириши кераклигини биладилар.

Мана, бир мисол. Бир неча ўн кунлик қаторасига олмаоталиклар бизнинг мусобақа ҳақидаги шартномамизнинг муҳим пунктларидан бўлган ёнилғи-мойлаш материалларини тежашда пешқадамлик қилишди. Бизнинг мутахассисларимиз бундай қолоқликнинг натижаларини атрофлича анализ қилиб, ёнилғини тежаш бўйича қўшимча чоралар кўришди. Жумладан, ҳозир кўпгина самолётлар автомашиналар билан перрондан тортиб чиқарилади. Бу қўшимча талайгина ёнилғини тежаш имконини беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тажриба шуни кўрсатдики, фақат мусобақадош коллективларнинг ҳар бир ходимига иш натижаларини етказиб, бу кўрсаткичларни албатта анализ қилиб, уларнинг ҳар бир конкрет ходим меҳнати натижаларига боғлиқ эканлигини белгилаш орқали меҳнат беллашувини иш сифати ва самарадорлигини оширишнинг қудратли ричагига айлантириш мумкин.

Д. А. ДУШИМОВ,

Олмаота авиакорхонаси командири:

1. Октябрь ойининг ўртасида коллектив барча асосий кўрсаткичлар бўйича ўн ойлик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Участка пассажир оборати ва участка тонна-километражи бўйича топшириқ бир хил рақамда— 102,4 процент бажарилди.

Тошкентликлар билан социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномага ёнилғини тежаш бўйича банд киритилганлиги бу муҳим масалада маълум ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Олмаоталик авиаторлар йил бошидан бери 4 минг тоннадан ортиқ ёнилғи тежадилар.

Биз бошқа коллективлар билан бир қаторда иш сифати ва самарадорлигини оширишни — пассажирларга хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришни ҳозирги беш йилликнинг энг муҳим вазифаси қилиб қўйдик.

Бунда олмаоталиклар шу беш йилликда ИЛ— 62, ТУ — 154 каби ҳар томонлама қулай, тезучар самолётларни ўзлаштирганликлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда пассажирларимизга анча тезроқ ва қулай шароитда манзилларига учиб боришлари мумкин.

Шунга қарамасдан, ўз вақтида самолётнинг парвоз қилиши пассажир учун энг муҳим бўлиб қолади. Бунда фақат замонавий техниканинг ўзи етарли эмас. Авиакорхонада барча хизматлар ва бўлимларнинг фаолиятини ва ўзаро алоқасини тубдан қайта қуриш, ўрта звено раҳбарларининг, жумладан комплекс сменалар бошлиқларининг ролини ошириш бўйича катта ишлар қилинди. Бугунги кунда бу ишларнинг натижаси яхши сезиляпти... Олмаота аэропортида самолёт парвозларининг (об-ҳаво шароитини ҳисобга олмаганда) бир маромдалиги 94— 93 процентни ташкил этади. Бу иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

2. Биз пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашни бу соҳада тошкентлик ҳамкасбларимиз орттирган тажрибани ўрганишдан бошладик. Олмаота ва Тошкент авиаторлари меҳнат беллашувининг айнан мана шу томони ҳақида — мунтазам тажриба алмашишимиз тўғрисида ҳикоя қилгим келади.

Тошкент авиакорхонасининг «ИЛ—18» самолёти экипажи командири В. Алимаскин беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституцияси кунигача бажариш ташаббуси билан чиқканда, бизнинг авиаторларимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, илғор экипаж иш тажрибасини атрофлича ўрганишди. Натижада бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаган 30 экипажнинг ҳаммаси август— сентябрь ойларида



уч йиллик топшириқни адо этишди.

Бизда шундай анъана ҳам бор. Ўзаро текшириш бригадаси мусобақадош дўстларимиз ҳузурига борганда, ўзи билан албатта бирон бир рационализаторлик таклифини олиб қайтади ва корхонамизда жорий этади. Бу Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги меҳнат беллашувида доимий одат бўлиб қолди. Жумладан, тошкентликлар бизга сўнгги марта келишганда аэропортнинг марказий диспетчерлиги ишини яхшилашда, у ерда техник, шунингдек ташкилий янгиликларни жорий этишда ёрдам беришди.

Бизнинг таклифимизга биноан Тошкент аэропортида самолётлар паркига хизмат кўрсатувчи автомашиналар парки иши қайта ташкил этилди. Бундан ташқари олмаоталик рационализаторлар А. Емельянов, А. Першин ва бошқалар бундай автоколонналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш бўйича ўз планларини ишлаб чиққанларида, улар Тошкент аэропортининг шароити ва имкониятларини эътиборга тутишганди.

Қисқаси, ҳақиқий мусобақадош дўстлар сингари фақатгина ўзимизнигина ўйлаб қолмаймиз. Биз тошкентликларга «ИЛ— 62», «ТУ — 154» самолётларига экипаж тайёрлашда ёрдам бердик. Айни айтда тошкентликлар курорт мавсуми қизиган пайтда «ИЛ— 18» самолётлари экипажларини ёрдамга юборишди.

«...Умумий иш ҳақида фаол қайғуриш, ўзимизга ва бошқаларга юксак талабчанлик барча ишларимиздаги муваффақиятнинг муҳим гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» деб таъкидланган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқида. Бизнинг мусобақадош коллективларимиз иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича олдимизда турган вазифаларни худди мана шундай умумий ишимиз деб биладилар. Менимча, Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги мусобақанинг ташкил этилишидаги афзал томонларидан бири мана шудир.

МУСОБАҚАДОШ КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ «ВИЗИТ КАРТОЧКАСИ»

★ Тошкентдан мамлакатимизнинг барча томонларига ҳаво йўллари бор. Тошкент аэропорти халқаро аэропорт саналади. У Граждан авиацияси халқаро иттифоқига кирган.

Ўз иш натижалари бўйича авиакорхона коллективи кўп маротаба республикада ва мамлакатда совринли ўринларни эгаллаган. Тошкентликлар «ИЛ— 62», «ТУ — 154», «ЯК— 40», «АН—24» каби самолётларни муваффақиятли ишлатишяпти.

★ Олмаота авиакорхонаси коллективи СССР Граждан авиацияси министрлиги системасидаги социалистик мусобақада кўп маротаба ғолиб чиққан. Олмаотадан 14 Иттифоқдош республикага ва 30 дан ортиқ шаҳарга ҳаво йўли бор.

★ Аэрофлотнинг асосий ҳаво кемаси бўлган «ИЛ— 62» самолётини олмаоталиклар мамлакатда биринчилардан бири бўлиб ўзлаштиришди.



Касаба союз комитети раиси И. Ситников Тошкент авиакорхонаси активистлари билан тошкентлик ва олмаоталик авиаторлар ўртасидаги меҳнат беллашувига якун ясашяпти.

ДИПЛОМЛАР ВА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАР

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИГА ТОПШИРИЛАДИ

Шу йилнинг дастлабки кунларида «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталари ҳамда Тошкент авиакорхонаси аэрофлотда пассажирларга энг яхши хизмат кўрсатиш бўйича бирталикда конкурс бошладилар.

Кўпгина маҳаллий ва марказий авиация йўлларида рўйхатга олиш системасининг соддалаштирилган ленти, телескопик траплар, самолёт салонларида музикали программалар жорий этилганлиги, газета ва журналлар кўпайганлиги конкурс доирасида ўтказилаётган шу ва бошқа тадбирлар пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради.

Конкурс натижаларини якунлаш бўйича комиссия шахсий текширув натижаларини ҳам, шунингдек аэрофлот хизматидан фойдаланишга қарор қилган кишиларнинг ташаккури ва мулоҳазаларини ҳам ҳисобга олади. Конкурсда ғолиб чиққан учувчилар, борт проводниклар, аэропорт ходимларига дипломлар ва қимматли совғалар берилади.

КОММУНИСТЛАР НАМУНА

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА ОЛМАОТА АВИАКОРХОНАСИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ А. М. МИЦУК ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Айни шу кунларда авиакорхонамизга қарашли барча хизмат бўлимларида кишилар билан суҳбатлашаётган, Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги меҳнат беллашувининг бориши, сифат ва самарадорликни ошириш ва яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганаётган кишиларни учратиш мумкин.

Бу ҳозирда партия ташкилотларининг олмаоталик ва тошкентлик авиаторлар ўртасидаги социалистик мусобақасига бағишланган партком йиғилишига тайёргарлик бўйича олиб бораётган ишларининг бир қисмидир, холос.

Бундай йиғилишларнинг бўлиши тасодифий эмас. Авиакорхонамиз партия ташкилоти мусобақанинг қандай бориши билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг диққат-эътиборидан четга чиқармаяпти. Масалан, тошкентликлари и н г иш тажрибаси яқинда бўлиб ўтган очиқ парткома йиғилишида муҳокама қилинди. Тошкентга юборган ўзаро текшириш бригадамиз сафига албатта бирон бир рационализаторлик таклифини олиб қайтади ва корхонамизда жорий этади. Бу Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги меҳнат беллашувида доимий одат бўлиб қолди. Жумладан, тошкентликлар бизга сўнгги марта келишганда аэропортнинг марказий диспетчерлиги ишини яхшилашда, у ерда техник, шунингдек ташкилий янгиликларни жорий этишда ёрдам беришди.

Бизнинг таклифимизга биноан Тошкент аэропортида самолётлар паркига хизмат кўрсатувчи автомашиналар парки иши қайта ташкил этилди. Бундан ташқари олмаоталик рационализаторлар А. Емельянов, А. Першин ва бошқалар бундай автоколонналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш бўйича ўз планларини ишлаб чиққанларида, улар Тошкент аэропортининг шароити ва имкониятларини эътиборга тутишганди.

Қисқаси, ҳақиқий мусобақадош дўстлар сингари фақатгина ўзимизнигина ўйлаб қолмаймиз. Биз тошкентликларга «ИЛ— 62», «ТУ — 154» самолётларига экипаж тайёрлашда ёрдам бердик. Айни айтда тошкентликлар курорт мавсуми қизиган пайтда «ИЛ— 18» самолётлари экипажларини ёрдамга юборишди.

«...Умумий иш ҳақида фаол қайғуриш, ўзимизга ва бошқаларга юксак талабчанлик барча ишларимиздаги муваффақиятнинг муҳим гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» деб таъкидланган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқида. Бизнинг мусобақадош коллективларимиз иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича олдимизда турган вазифаларни худди мана шундай умумий ишимиз деб биладилар. Менимча, Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги мусобақанинг ташкил этилишидаги афзал томонларидан бири мана шудир.

Ҳозирги пайтда ким олдинда боряпти-ю, кимлар суръатни тезлаштириши кераклигини биладилар.

Мана, бир мисол. Бир неча ўн кунлик қаторасига олмаоталиклар бизнинг мусобақа ҳақидаги шартномамизнинг муҳим пунктларидан бўлган ёнилғи-мойлаш материалларини тежашда пешқадамлик қилишди. Бизнинг мутахассисларимиз бундай қолоқликнинг натижаларини атрофлича анализ қилиб, ёнилғини тежаш бўйича қўшимча чоралар кўришди. Жумладан, ҳозир кўпгина самолётлар автомашиналар билан перрондан тортиб чиқарилади. Бу қўшимча талайгина ёнилғини тежаш имконини беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тажриба шуни кўрсатдики, фақат мусобақадош коллективларнинг ҳар бир ходимига иш натижаларини етказиб, бу кўрсаткичларни албатта анализ қилиб, уларнинг ҳар бир конкрет ходим меҳнати натижаларига боғлиқ эканлигини белгилаш орқали меҳнат беллашувини иш сифати ва самарадорлигини оширишнинг қудратли ричагига айлантириш мумкин.

Д. А. ДУШИМОВ,

Олмаота авиакорхонаси командири:

1. Октябрь ойининг ўртасида коллектив барча асосий кўрсаткичлар бўйича ўн ойлик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Участка пассажир оборати ва участка тонна-километражи бўйича топшириқ бир хил рақамда— 102,4 процент бажарилди.

Тошкентликлар билан социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномага ёнилғини тежаш бўйича банд киритилганлиги бу муҳим масалада маълум ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Олмаоталик авиаторлар йил бошидан бери 4 минг тоннадан ортиқ ёнилғи тежадилар.

Биз бошқа коллективлар билан бир қаторда иш сифати ва самарадорлигини оширишни — пассажирларга хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришни ҳозирги беш йилликнинг энг муҳим вазифаси қилиб қўйдик.

Бунда олмаоталиклар шу беш йилликда ИЛ— 62, ТУ — 154 каби ҳар томонлама қулай, тезучар самолётларни ўзлаштирганликлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда пассажирларимизга анча тезроқ ва қулай шароитда манзилларига учиб боришлари мумкин.

Шунга қарамасдан, ўз вақтида самолётнинг парвоз қилиши пассажир учун энг муҳим бўлиб қолади. Бунда фақат замонавий техниканинг ўзи етарли эмас. Авиакорхонада барча хизматлар ва бўлимларнинг фаолиятини ва ўзаро алоқасини тубдан қайта қуриш, ўрта звено раҳбарларининг, жумладан комплекс сменалар бошлиқларининг ролини ошириш бўйича катта ишлар қилинди. Бугунги кунда бу ишларнинг натижаси яхши сезиляпти... Олмаота аэропортида самолёт парвозларининг (об-ҳаво шароитини ҳисобга олмаганда) бир маромдалиги 94— 93 процентни ташкил этади. Бу иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

2. Биз пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашни бу соҳада тошкентлик ҳамкасбларимиз орттирган тажрибани ўрганишдан бошладик. Олмаота ва Тошкент авиаторлари меҳнат беллашувининг айнан мана шу томони ҳақида — мунтазам тажриба алмашишимиз тўғрисида ҳикоя қилгим келади.

Тошкент авиакорхонасининг «ИЛ—18» самолёти экипажи командири В. Алимаскин беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституцияси кунигача бажариш ташаббуси билан чиққанда, бизнинг авиаторларимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, илғор экипаж иш тажрибасини атрофлича ўрганишди. Натижада бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаган 30 экипажнинг ҳаммаси август— сентябрь ойларида

уч йиллик топшириқни адо этишди.

Бизда шундай анъана ҳам бор. Ўзаро текшириш бригадаси мусобақадош дўстларимиз ҳузурига борганда, ўзи билан албатта бирон бир рационализаторлик таклифини олиб қайтади ва корхонамизда жорий этади. Бу Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги меҳнат беллашувида доимий одат бўлиб қолди. Жумладан, тошкентликлар бизга сўнгги марта келишганда аэропортнинг марказий диспетчерлиги ишини яхшилашда, у ерда техник, шунингдек ташкилий янгиликларни жорий этишда ёрдам беришди.

Бизнинг таклифимизга биноан Тошкент аэропортида самолётлар паркига хизмат кўрсатувчи автомашиналар парки иши қайта ташкил этилди. Бундан ташқари олмаоталик рационализаторлар А. Емельянов, А. Першин ва бошқалар бундай автоколонналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш бўйича ўз планларини ишлаб чиққанларида, улар Тошкент аэропортининг шароити ва имкониятларини эътиборга тутишганди.

Қисқаси, ҳақиқий мусобақадош дўстлар сингари фақатгина ўзимизнигина ўйлаб қолмаймиз. Биз тошкентликларга «ИЛ— 62», «ТУ — 154» самолётларига экипаж тайёрлашда ёрдам бердик. Айни айтда тошкентликлар курорт мавсуми қизиган пайтда «ИЛ— 18» самолётлари экипажларини ёрдамга юборишди.

«...Умумий иш ҳақида фаол қайғуриш, ўзимизга ва бошқаларга юксак талабчанлик барча ишларимиздаги муваффақиятнинг муҳим гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» деб таъкидланган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқида. Бизнинг мусобақадош коллективларимиз иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича олдимизда турган вазифаларни худди мана шундай умумий ишимиз деб биладилар. Менимча, Олмаота ва Тошкент авиаторлари ўртасидаги мусобақанинг ташкил этилишидаги афзал томонларидан бири мана шудир.

«СИФАТ КУНИ»

ОЛМАОТА АВИАКОРХОНАСИДА ҲАР ҲАФТАДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Бу кунга барча звено ва хизмат бўлимлари— авиакорхона командиридан тортиб, бригадиргача жами ишларини тугаллаб, «Сифат куни» графигига қатъий риоя қилган ҳолда келишга ҳаракат қилади.

Авиакорхона командири шу куни самолётлар турадиган жойни айланиб чиқиб, ҳаво кемалари командирларининг мулоҳазаларини шахсан эшитади. Ҳаракат бўйича аэропорт бошлиғи ўринбосари учиш раҳбари ўрнини, авиация-техника бошлиғи эса авиатехниклар навбатчи бригадири ўрнини эгаллайди.

Шундай қилиб, раҳбарларнинг ўзлари бир йўла иш жойларида иш сифатини, меҳнат шароитини яхшилашнинг ички резервларини ўрганадилар.

«Сифат куни»ни ўтказишнинг афзаллиги шундаки, қайд этилган камчиликлар оперативлик билан ҳал этилади, қимматли тажрибани зудлик билан ёйиш имкони тугилади. Бу ишда оператив бригадалар чиқараётган «Чақмоқ» ҳам ёрдам беряпти. Унда камчиликлар билан бирга авиакорхоналарнинг энг илғор кишилари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Сифат куни»да ҳаммаси бўлиб 20 га яқин «Чақмоқ» чиқарилади. Иш сўнггида эса барча хизмат бўлимларининг раҳбарлари иштирокида уларда кўрсатилган фактлар муҳокама қилинади ва аниқ тадбирлар белгиланади.

Шуниси қувончлики, фақат йил бошидан буён «Сифат куни»ни ўтказиш туфайли иш сифатини оширишга ва ишдаги чигалликларни бартараф этишга қаратилган 130 га яқин таклиф жорий қилинди.

БИЗГА ТАРАФ БОРМИ?

ИЛҒОР ЭКИПАЖ КОМАНДИРИ ШУНДАЙ ДЕЯПТИ

Июль ойида экипажимиз уч йиллик планни бажарганлиги ва икки ярим йил мобайнида 300 тонна ёнилғи тежаганлиги ҳақида рапорт берди. Ҳозир 1979 йилнинг май ойи ҳисобига ишлаяпмиз ва 4 йиллик топшириқни В. И. Ленин туғилган кунда — 22 апрелга қадар бажариш ниятидамиз.

Тошкентда беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан илгари адо этиб, янги йил учун янги марралар қабул қилган экипажлар кўп. Мана шу экипажлар билан бизнинг экипажимиз мусобақалашишса бўлади. Қани, тошкентлик экипажлардан қай бири биз билан беллаша олади? Бизга тараф борми?

С. НУРГАЛИЕВ,

Олмаота авиакорхонаси «ИЛ— 62» кемаси командири.

• *Сиртдан қараганда*

ГРАФИК ҚОНУН БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАРЧА ЗВЕНОЛАРИДА ИШНИ АНИҚ ТАШКИЛ ЭТИШ АНА ШУНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Яқинда Тошкент аэропортининг авиация-техника базаси коллективи иши билан танишганимда тошкентлик мусобақадош авиатор дўстларимиздан ҳеч қандай бекитадиган сир йўқлигига яна бир бор чшонч ҳосил қилдим. Бу ерда тошкентликлардан ўрганиш учун арзийдиган нарсалар жуда кўп. Масалан, самолётларга план усулида хизмат кўрсатишни олайлик. Маълумки, бундай хизматнинг бир қанча формалари мавжуд. Уларнинг ҳар бири маълум вақтни талаб этади. Бу ишларни бажаришда сифатга зиён етказмасдан вақтни қисқартириш мураккаб иш. Аммо тошкентлик мутахассислар бунинг оддий ва самарали йўлини топдилар.

Жумладан, улар учинчи хизмат кўрсатиш формасини уч босқичга бўлишди. Натижада, ҳар бир босқични бошқа хизмат кўрсатиш формалари билан қўшиб юборишди. Эндиликда бу янгилик йилига ўн минг сўмлаб маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Агар яқинда жорий қилинган яна бир янгилик— бирлаштирилган диспетчерлик қилишни ҳам ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда олинаётган иқтисодий самара яна бирмунча мураккаб ҳам юқори бўлади. Ҳозирги кунда ҳаракатдаги барча навбатчилик бригадаларидаги ва сменаларига авиация-техника базасининг бош диспетчери раҳбарлик қилмоқда. Унга ҳар бир цех ва участка диспетчерлари бўйсунади. Буларнинг ҳаммаси одамларни ва техникани оперативлик билан ҳаракатга келтириш, самолётларга оперативлик билан хизмат кўрсатиш ва графикка минут-минутигача қатъий риоя қилиш имконини бермоқда.

В. КРИВОШЕЕВ,

Олмаота авиакорхонаси авиация-техника базасининг бошлиғи.

✧ ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

СОВРИН ҲАВОДА ТОПШИРИЛАДИ

Москвалик инженер Виктор Емельянов бошқа пассажирлар қатори «ИЛ—62» самолёти салонидаги гилам паёндоз»га йўловчилар ортидан қадам қўйганда у ҳели яна икки соатдан кейин шу поёндоз устидан пассажирларнинг гулдирос қарсаклари, борт проводник Татьяна Соколетованинг нутқи ва илиқ табассуми остида ўтишини билмаганди.

Москвалик инженер учун бу «голибона юриш» ердан 10 минг метр баландликда Тошкент— Москва маршрутида учувчи самолёт салонида бошланганди.

— Ҳурматли пассажирлар! Агар орангизда бизнинг аэрофлот вертолетида қатнашишни истовчилар бўлса, борт проводникни чақириш кнопкасини босишингизни сўраймиз.

Шу рейс билан учаётган 152 пассажирдан юздан ортиғи — амалда ашаддий шахмат ишқибозлари ва кроссворд ҳаваскорларидан бошқа ҳамма кнопкани босди. Борт проводник қоғозларни аввалдан тайёрлаб қўйганди. Фақат уларни викторинада ўз бахтини синамоқчи бўлганларга тарқатишгина қолганди. Шундан кейин радиода Москва ва мамлакатимиз билан боғлиқ турли саволлар янгради. Ҳамма саволларга берилган жавоблар ўқиб эшиттирилди.

Биз бу викторинани тайёрлаётганимизда, ҳикоя қилади борт проводниклар хизмати бошлиғи В. И. Коршак, очиғини айтганда пассажирлар бунга қандай қараркин деб хавфсирагандик. Лекин кўриб турибсизки, бизнинг хавфсирашимиз бекўда бўлиб чиқди. Ҳозир викторинада салондаги кишиларнинг 90 проценти қатнашяпти.

Қисқаси, ҳаводаги викторинада ғолиб чиққан москвалик инженер сафига янги кишилар қўшилади.

ҲАММА МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛГАНДА

УМУМИЙ ИШ ЮТАДИ,— ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ ТОШКЕНТ АВИАКОРХОНАСИ КОМАНДИРИ ЎРИНБОСАРИ В. П. БРАГИН

Иккита цех, пассажир, почта-юк ташиш ва бошқа хизмат бўлимлари диспетчерлик ишлаб чиқариш бошлиғи ўринбосари раҳбарлик қилаётган комплекслашган смена таркибига киради. Очиғини айтиш керакки, хўжаликнинг ташвишлари кўп. Бундай комплекслашган сменанинг ҳар бир бўлимида ўзининг раҳбари, ҳар бир хизмат бўлимининг ўз вазифалари бор. Шундай ҳоллар ҳам рўй берадики, «Почтачилар»нинг иши ошиб-тошиб кетади техниклар эса бекор юришади.

Ҳар бир кварталда энг яхши сменага кўчма Қизил байроқ топширилмоқда. Мусобақадош комплекслашган сменаларнинг ҳар жуфт ғолибига пул мукофоти ҳам берилади. Унинг ҳажми барча меҳнатчилар учун сменанинг умумий якуни бўйича ошади ёки қисқаради. Бу эса ишни бугунги кундаги юксак даражага қўйиш имконини берди. Йил бошидан буён бизнинг Олмаоталик ҳамкасбларимиз томонидан самолётларга хизмат қилиш графигида бирорта ҳам хато бўлмади. Самолётсоз техниклар махсус автобаза шоферларига ҳар бир ишда ёрдам беришади. Бу албатта ўз-ўзидан тушунарли. Негаки, фахрли ўринни олиш, моддий томондан рағбатлантирилиш эндиликда умумий меҳнат натижасига боғлиқ.


Аммо ишни ташкил этишнинг бундай формасига ўтиш учун фақат самолётсозликдаги н а эмас, бошқа соҳаларда ҳам, меҳнатчилар ўхшаш касбларни ўрганишлари зарур.

Бироқ Тошкентдаги бир қатор корхоналарда мусобақа якунини бундай комплекслашган йўналишда олиб бориш ҳали жорий этилмаган. Олмаоталикларнинг бу тажрибасини чиндан ҳам ҳар қанча қўлласа арзийди.

СИБИРЬ ВА УЗОҚ ШАРҚҚА

Тошкентлик авиаторлар Сибирь ва Узоқ Шарққа мунтазам сабзавот ва мева етказиб беришяпти. Тошкентликлар мамлакатимизнинг бу районларига сабзавот ва мева етказиб бериш бўйича бу йилги планни икки баравар ортиғи билан адо этишди. Бу иш кўпинча шундай жадал ташкил этилдики, эрталаб колхоз далалари ва боғларидан терилган маҳсулот оқшом Новосибирск ва Иркутск областлари, Хабаровск ва Приморье ўлкаларига етказиб берилди.

Тошкентлик авиаторлар тажрибаси мамлакатнинг бошқа авиакорхоналари мутахассисларининг юқори баҳосига сазовор бўлди.



Тошкент аэропортининг район диспетчерлик пункти. Бу ерда ҳаво кемалари ҳаракати бошқарилади. Яқинда диспетчерлик пункти реконструкция қилинди. Ҳозир бу ерга энг замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу ускуналар меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини анча ошириш имконини беряпти.

В. ЛИТВИНОВ фотолари.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

23 НОЯБРЬ, 1978 й.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. РЎЗИҚУЛОВ: Ҳурматли редакция! Шаҳримизда оилавий маросимларни ўтказадиган знёфатлар бюроси очилган экан. Ана шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

Жавоб:: Тошкент «Сервис» фирмасининг марказий уйи ҳузурида Сиз ўз саволингизда қизиққан оилавий знёфатлар бюроси очилган. Оилавий ҳаётга қадам қўяётган келин ва куёвлар бу ерда тўй либослари ва костюмларини, янка тартибда буюртма қилинадиган пойафзалларни тиктириш, сартарошхоналар, фотоательелард а н , прокат пунктларида навбатсиз хизмат кўрсатиш бўйича махсус талон оладилар. Шуни айтиш керакки, оилавий тантаналар бюросида ихтисослаштирилган прокат ҳам бўлиб, ана шу прокатдан тўй либослари, миллий чопонлар, укпарлар олиш мумкин. Оилавий тантаналар бюросида овоз ёзиш салони ҳам бор. Тошкент «Сервис» фирмасининг марказий уйи Навоий кўчаси, 30-«а» уйда жойлашган. У дам олиш кунисиз ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч соат 7 гача аҳолига хизмат кўрсатади.

* * *

Б. ЭГАМОВ: Корхона ва ташкилотларга бир ойлик синов муддати билан қабул қилинган ишчи ва хизматчилар касал бўлиб қолган ҳолларда уларнинг ана шу касал бўлган пайти синов муддатига қўшилиши мумкинми?

Жавоб: Ишчи ва хизматчилар агар улар бир ойлик синов муддати мобайнида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолсалар ёки узрли сабабга кўра бирор ходим ишда бўлмай қолса уларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз ва бошқа даври синов муддатига қўшилмайди.

* * *

И. ҒОЗИЕВ: Шаҳримизда турли хил музика асбобларини ремонтдан чиқарадиган ва уларни созлайдиган устахона борми? Шу ҳақда билишни истар эдим.

Жавоб: «Техсложбытприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг район филиалларида турли хил музика асбоблари ремонт қилинади ва улар созланади. Бу бирлашма шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган. Музика асбоблари ремонти билан боғлиқ қўшимча маълумотларга эга бўлай десангиз 91—08—84 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Олти ёшли Бахтиёр ва тўрт ёшли Дилфуза Идаевалар 18—24 ТИД рақамли «ЗИЛ-130» автомобили кабинасига ўтириб ўйнай бошлашди. Бу машинада уларнинг тоғаси Салимжон Идаев меҳмонга келган эди. Лекин кабина ичидаги ўйин кўп ўтмасдан Дилфузага ёқмай қолди. У автомобиль эшигини очиб пастга тушди ва Сағбон кўчасини кесиб ўта бошлади. Ёш болаларни назоратсиз кўча бўйида ўйнашга йўл қўйиш бу сафар ҳам хунук оқибатга олиб келди. 39—88 ТШИ рақамли «ЗАЗ-968» автомобилни бошқариб келаётган Б. Обидов кутилмаганда кўчада пайдо бўлиб қолган қизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун дарҳол тормозни босди. Лекин тасодифнинг олдини олиб қололмади.

Дилфуза Идаева чап оёғининг сон суяги ва елка суяклари синган ҳолда 17-шаҳар касалхонасига ётқизилди.

Самандар кўчадан тутоқиб кирди. Хотини Салиманинг саломига алик ҳам олмай бир ўқрайиб қараб қўйди.

— Тинчликми дадаси?— қўрқа-писа сўраган Салима балога қолди.

— Буни сиздан сўраш керак?— қошкўзлари учиб, лаблари асабий пирпиради Самандарнинг.— Қизингиз аҳир ўнга кириб қолди, озгина бўлса ҳам ҳаёдан гапириб, терташ онангинг, яъни сизнинг вазифангиз эмасми...

Эшикдан лип этиб кирган Шаҳноза ўз хонасига ўтиб, уй либосларини кийиб олди.

— Ҳой, қиз, иккинчи шортида юрганингни кўрмай, билдингми?

— Наргизаям кийиб юрипти-ю...

— Ўчир овозингни, сен Наргиз эмас, онайиз жа таълим беришгилар-да...

— Бор, укаларингни олиб кел, тез, — онаси Шаҳнозани чиқариб юборди.

— Самандар устмауст папиросини сўриб-сўриб тортаркан, аламини олгандай уни куллонга эзгилаб ташлади.

Аксига юради ўзи, Салима уйида ўтириб-ўтириб эндигина бирор юмуш билан қўшмабди. Эри ваннада. Ўзи қидиришга ҳовлиқиб чиқиб кетди.

— Равшан, ҳо-ой Равшан!!— овозининг борича қичқирган сари ҳувиллаган зовур бўйлари, дарахтлар шитирлашиб яна ҳам қўнглига ваҳима соларди. Ўғли ҳеч қаерда йўқ. Ваҳимали хаёллар баттарроқ қўнглига қўрқув солиб, яна ҳам ҳаприқтирарди. Кимдир, Равшан кинода, деб қолганини эшитди. Бошқа ёқларни қидираверіб, янги қурилган кинодан хабар олиш ҳеч эсига келмабди. Равшанни кинозалдан судраб олиб чиқди. Боланинг топилганига бир томондан кўнгли таскин топган бўлса ҳам, жонини ачитиб оёқларига қамчи туширди. Равшан чир айланиб «кечиринг» лаб йиғларди. Энди уйларига яқинлашган эдиларки, эри уларнинг қаршисига ҳайқириб келди. Шиддат билан етиб келган Самандар Салимани ҳам, Равшанни ҳам уриша кетди.

Уйга қандай учиб келиб қолганини ҳам билмади Салима, юраги қинидан чиқиб кетгудай типирчиларди, нисиникига чиққанда, ё болаларини кўчага чиқариб юборганда лоп этиб эри келиб қолади. Мана, бугун ҳам куни билан уйда ўтириверіб, сиқилиб кетган болаларни бир оз сайр қилиб кела қолишсин деб тайинлаб кўчага чиқариб юборганди. Атрофни қоронгулик ҳам қоплади. Ўғли Равшанни Шаҳноза қидириб топа олмади

ЧИМ ХОККЕЙИ УСТАЛАРИ

Андижоннинг «Меҳнат» командаси хоккейчиларидан тўрт киши СССР чемпионатининг якунларига биноан мавсумнинг энг яхши 22 ўйинчиси рўйхатига киритилди. Булар ҳимоячи Абдусалом Аҳмедов ва Сергей Кузьменко, ярим ҳимоячи Яков Заздравних, ҳужумчи Виктор Галкиндир.

Бу эса чим хоккейи бўйича мамлакат чемпионатида шу йил биринчи марта бронза совринга сазовор бўлган команданинг маҳорати ошганлигини яна бир карра тасдиқлайди. «Меҳнат» командасининг бундай муваффақиятида Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, спорт мастери Анатолий Иванович Кузнецовнинг хизматлари катта бўлди.

Бутуниттифоқ финалидаги галабаси учун СССР Спорт комитетининг биллур совринини қўлга киритган «Андижанка» спортчилари энг яхши хоккейчи қизлар рўйхатидан муносиб ўрин олишди. Бутуниттифоқ тренерлар советининг яқдиллик билан билдирган фикрига кўра, 22 ўриндан олтитаси тренер Мирон Кимнинг шогирдларига берилди. Булар ҳимоячилар—Нелли Горбаткова ва Валентина Заздравних, ярим ҳимоячилар Светлана Рассолова ва Эльвира Орифжонова, ҳужумчилар Лайло Аҳмерова ва Алина Хамлердир. Улар Совет Иттифоқи олимпиада терма командасига номзод қилиб киритилди.

ШАХМАТЧИЛАР КЛУБИ

Петропавловск—Камчатка область шахмат-шашка клуби очилди. Клубда ўйинлар зали ва илмий-методик асарларига эга бўлган спорт маҳорати хонаси бор. Яккама-якка мусобақаларда беш юздан кўп киши қатнашиши мумкин.

Орол аҳолисининг кўпчилиги шахмат ва шашкани севади. Шаҳар ва қишлоқларда тез-тез турнирлар уюштириб турилади, область шахсий биринчилиги учун мусобақалар ўтказилади. Дам олиш кунлари балиқчилар ва кема ремонтчиларининг маданият уйида шахмат мусобақалари бўлади. Область марказидаги пионерлар саройида ўқувчилар клуби бор. Бу клуб жаҳон чемпиони Анатолий Карпов номига қўйилган Кузги каникул кунларида областнинг шаҳар ва қишлоқларидан келган ўқувчиларнинг 12 та командаси «Комсомольская правда» газетаси совғаси учун Бутуниттифоқ турнири босқичларидан бирида иштирок этди.

Область клубида мусобақалар ўтказилибгина қолмай, шу билан бирга бу ер шахмат бўйича илмий-методик марказ ҳам ҳисобланади.

(ТАСС).

физкультура ва СПОРТ

• *Физкультура коллективларида*

МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнаткашлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатни яхшилаш борасида салмоқли ишлар қилишяпти. Айни пайтда бу ерда физкультура ва спортни оммалаштириш, уни ишчи ва хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, актив дам олиш манбаига айлантириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Отам, онам ва мен— биз спорт оиласимиз» конкурсини ўтказиш одат бўлиб қолди. Конкурс ўтказиладиган куида стадион гавжум бўлади. Спортчилар оиласи ҳисобланган ишчилар ва ходимлар ўз фарзандлари билан бахсларда иштирок этадилар. Ғолибларга «Текстильщик» спорт клубининг совринлари топширилади.

«Олға, қизлар» конкурси бўладиган куини эса ҳақиқий маънода спорт байрами деса бўлади. Ёш ишлаб чиқариш илғорлари янги ГТО комплекси нормативини бажариш мақсадида югуриш, сакраш, пайза улоқтириш, тўсиқлар оша югуриш бўйича ташкил қилинган мусобақаларда иштирок этадилар. Кейин қизлар назарий билимларини синоздан ўтказишади. Улар спорт тарихи, спорт турлари, чемпионлар ҳақидаги саволларга жавоб берадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, «Текстильщик» спорт клуби раҳбарлари конкурс ва мусобақаларни қизиқарли ва оммавийлигини таъминлаш мақсадида программани ранг-баранг қилиб тузмоқдалар. «Бўш келманг, йигитлар» конкурси бахслари «Олға, қизлар» бахсларидан фарқ қилади. Бу конкурсда йигитлар асосан спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича маҳоратларини синовдан ўтказмоқдалар. Мўлжалга отиш, тўсиқлар оша югуриш, турли тўсиқлардан ўтиш бўйича ташкил қилинаётган бахслар ёш ишчиларга ҳарбий хизматга пухта тайёргарлик кўришларига ёрдам беряпти.

Ётоқхонада яшовчилар спартакиадасини ўтказиш ҳам бу ерда анъана бўлиб қолди. Спартакиада бахслари асосан ишчилар сменадан қайтганларидан кейин ўтказилади. Йигит ва қизлар спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, шашка, шахмат, енгил атлетика, ГТО комплекси программасига киритилган турлари бўйича баҳслашадилар.

Комбинатда спорт ишлари қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида гап кетганда албатта ишлаб чиқариш гимнастикаси ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Бу борада Л. Зиновьева инструктор бўлган иккинчи йигирув фабрикасида таҳсинга сазовор иш қилиняпти. Фабрика физкультурачилари ёзги ва қишки комбинат спартакиадасида биринчи ўринни эгаллашди.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати ниҳоясига етди. Анъанага кўра 1978 йилги мавсум совриндорлари аниқланиб, уларга мукофотлар топширилади. Энг фахрий совринлардан бири — мамлакат биринчилигида олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритган командалар билан бўлган учрашувларда энг яхши натижага эришган командага топшириладиган совриндорлар билан бўлган учрашувларимизнинг тўла устунлигида ўтди. Тошкент Давлат физкультура институтининг спортчилари дастлабки учрашувда 84:48, такрорий учрашувда эса 115:59 ҳисобида ғалабага эришдилар.

«Университет» командасининг баскетболчилари эса Гомель шаҳрида маҳаллий «Сож» командаси спортчилари билан куч синашдилар. Дастлабки учрашувда 101:81 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз ғолиб чиқишди. Такрорий учрашувда эса омад мезбонларга ёр бўлди. Бу сафар улар 106:94 ҳисобида ғалаба қилдилар.

∴ ∴ ∴

Футбол бўйича республика биринчилигининг финал мусобақалари ниҳоясига етди. Янгийўлда бўлган бу беллашувларда «Старт» спорт клубининг ўсмирлар командаси ғолиб чиқди.

Баскетбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган Тошкент Давлат физкультура институти ва «Университет» командалари навбатдаги тур учрашувларини ҳам сафарда ўтказадилар.

Физкультура институтининг баскетболчи қизлари Душанбе шаҳридан маҳаллий «Спартак» командаси шарафини ҳимоя қилаётган дугоналари билан беллашадилар. Бу учрашувлар ҳамшаҳарларимизнинг тўла устунлигида ўтди. Тошкент Давлат физкультура институтининг спортчилари дастлабки учрашувда 84:48, такрорий учрашувда эса 115:59 ҳисобида ғалабага эришдилар.

«Университет» командасининг баскетболчилари эса Гомель шаҳрида маҳаллий «Сож» командаси спортчилари билан куч синашдилар. Дастлабки учрашувда 101:81 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз ғолиб чиқишди. Такрорий учрашувда эса омад мезбонларга ёр бўлди. Бу сафар улар 106:94 ҳисобида ғалаба қилдилар.

∴ ∴ ∴

Футбол бўйича республика биринчилигининг финал мусобақалари ниҳоясига етди. Янгийўлда бўлган бу беллашувларда «Старт» спорт клубининг ўсмирлар командаси ғолиб чиқди.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 23/XI да Чио-Чио-Сан, 24/XI да Оламнинг яратилиши (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/XI да Ғариблар, 24/XI да Келинлар қўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/XI да Хотинимнинг эри, 24/XI да Хотинимнинг эри.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Аренада москваликлар» янги цирк томошалари (19.30).

КИНО

23 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ»— С. Раҳимов номли.

«ОИЛА»— Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ХАЛҚ КОНТРОЛИ»— Кўнча.

«ЎТ БИЛАН ЎЙНАШИМА»— Пионер.

«ОКТЯБРЬ ЕҒДУСИ»— Фестиваль.

«КАТТА ДЎСТНИНГ ЕЛКАСИ»— Ғунча.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОДДИЙ МУҲАББАТ» (эрталаб), «ТАҚДИР» (кечқуруи)— Чайка.

«МЕНИНГ ЁҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Дружба, ВЛКСМ 30 йиллиги, Узбекистон 25 йиллиги, Юнусобод.

«ҚУРОЛЛАНГАН ВА ЖУДА ХАВФЛИ»— Нукус, Тинчлик, Мир.

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — Лисунов номли, Восток, Ғ. Ғулом номли.

«ШУМ БОЛА» — Янгиобод.

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — С. Раҳимов номли, Ғунча, Искра.

«ҚАМОҚДАН ҚОЧИШ»— Юнусобод.

«ИВАНИНГ БОЛАЛИГИ» (кундуз)— Пионер.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Навоий номли, Узбекистон 25 йиллиги, Кўнча, Чайка, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нукус, Ғунча, ВЛКСМ 30 йиллиги, Тинчлик, Москва, Дружба, Фестиваль.

24 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ» — С. Раҳимов номли.

«ОИЛА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Дружба.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ФРАНЦИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ» — Мир.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Чайка.

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!»— Пионер.

«МУСТАҚИЛ РАВИШДА, ЯККА-ЯККА»— Нукус.

«ОКТЯБРЬ ЕҒДУСИ» — Фестиваль.

«АЛАНГА ИЧИДАГИ ОДАМ» — ВЛКСМ 30 йиллиги.

«ҲАЛИ ҲАММА ҚАЙТГАНИЧА ИШҚ»— Тинчлик.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОДДИЙ МУҲАББАТ» (эрталаб) — Чайка.

«МЕНИНГ ЁҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ» (кечқуруи) — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Дружба, Узбекистон 25 йиллиги.

«ҚУРОЛЛАНГАН ВА ЖУДА ХАВФЛИ» — Нукус.

«ОН ТУҚҚАН ТУНДА» — Лисунов номли, Тинчлик.

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА»— Лисунов номли, Юнусобод.

«ШУМ БОЛА» —Янгиобод.

«ҚУЁШ ОСТИДАГИ ЧАНГ»— Юнусобод.

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — С. Раҳимов номли, Искра.

«ИВАНИНГ БОЛАЛИГИ» (кундуз) — Пионер.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Навоий номли, Узбекистон 25 йиллиги номли, Кўнча, Чайка, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нукус, Ғунча, ВЛКСМ 30 йиллиги, Тинчлик, Москва, Дружба, Фестиваль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР АНСАМБЛИГА ЧОЛҒУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ансамблга дутор чалишни яхши билган ва вокал санъати талабларига жавоб бераоладиган хушовоз, 18 дан 25 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 49-уй. Телефон: 39-95-65 (ички, идора телефони: 565).

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 22-ўрта мактаб томонидан Ҳусан Мансуров номига берилган 973771 номерли ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎҚОЛГАН АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«КОММУНАЛЬНИК» КЛУБИ ҚОШИДАГИ «ЯШНАР» ЙИГИТЛАР АНСАМБЛИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Конкурсда ашула айтишга, рақс тушишга қобилиятли миллий асбоблар, доира, най, аккордеон, тор, рубоб, чанг, қўшнай ва бошқа асбобларни чала оладиган ёши 16 дан 30 ёшгача бўлган йигитлар қатнашишлари мумкин.

Конкурс 29 ноябрь соат 17.00 да «Коммунальник» клуби биносида ўтказилади.

Конкурс шароитини билиш учун қуйидаги адрес ва телефонларга мурожаат қилинсин: Пушкин кўчаси, 75-уй. Телефонлар: 33-10-95, 76-00-83.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 85-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тўқувчилар ва йигирувчилар группасига қўшимча равишда 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — бир йил. Ихтисос билан бир вақтда ўрта маълумот бериладиган группаларда ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқувчиларга бепул кийимбош, уч маҳал иссиқ овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи, 10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга эса бир ойга 70 сўм миқдорида стипендия берилади.

Бир йиллик группаларга кирган 8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар комбинат қошидаги ишчи-ёшлар мактабида ўқишларини давом эттиришлари мумкин. Шу жумладан, билим юртига тўқимачилик ихтисослари бўйича 6 ойлик курсларга қизлар қабул қилинади. Стипендия—70 сўм.

Билим юртини битирган ўрта маълумотли ёшлар олий ўқув юртига имтиёзли шарт-шароитларда қабул қилинадилар.

Адрес: 700092, Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. Телефон 53-39-01.

КИРОВ РАЙОН ДОСААФ СПОРТ-ТЕХНИКА КЛУБИ

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мотоцикл ҳайдовчилари тайёрлайдиган пуллик 2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Адрес: Тошкент шаҳар Ленинград кўчаси, 25-уй.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ

149-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚЎШИМЧА

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал деталини бичувчи, кесувчи, пойафзал юзасини тайёрловчи, пойафзал фрезерчиси, пойафзал затяжкачиси, контролер, слесарь-ремонтчи, пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи, электромонтёр.

Ўқиш муддати— 1 ва 2 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва у ердаги туристик, спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртита қабул қилинган ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса тўла давлат таъминотида бўладилар (уч маҳал овқат ва кийим-бош), ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см). Ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Гавҳар кўчаси, 124-уй, 84-автобус, 16-троллейбуснинг «2-пойафзал фабрикаси» бекати.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

РАДИОАППАРАТУРАЛАР ВА ПРИБОРЛАР МОНТАЖЧИСИ ВА РЕГУЛИРОВКАЧИСИ, ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ПРИБОРЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАР ИШЛОВЧИСИ, ВАКУУМ-ЧАНГЛАТГИЧЛИ ПРОЦЕССЛАР ОПЕРАТОРИ, ГАЛЬВАНО-ТЕХНИК.

Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофида яшовчи, 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 8-синф маълумоти билан — 1—2 йил, 10-синф маълумоти билан 1 йил.

Ўқишга қабул қилинган ўрта маълумотли ёшлар 30 сўмдан 40 сўмгача стипендия билан, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси мобайнида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари зарур: ариза, автобиография, маълумоти тўғрисида ва туғилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, медицина справкаси (286-форма), ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан справкалар, 6 та фотосурат (4х6 см.).

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Адрес: 700005, Тошкент шаҳар, Весна кўчаси, 17-уй (1,5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати), Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29-уй, (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

ШАҲАР 9-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА ПОЛИГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЛИНОТИПЧИЛАР, ҚЎЛДА ҲАРФ ТЕРУВЧИЛАР, ПЕЧАТНИКЛАР ВА МУҚОВАЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

15—17 ЁШДАГИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар тўлиқ ўрта маълумот ва касб ҳақида диплом оладилар. Ўқишни имтиёзли равишда битирганлар Москва ва Львов институтларига ҳамда Фарғона политехника институтига ўқишга юборилади.

Билим юртида ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Эҳтиёжи бўлганларга ётоқхонадан жой берилади. Ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбуслар, 2, 3, 14, 33, 34, 50, 54, 131-автобусларнинг «Волгоградская кўчаси» бекати, метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси). Телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

23 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар!». ГДРдан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Миллионлар лениика университети». «Қуролсизланиш — замонамизнинг бош масаласи». 19.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобринёва концерти. 19.55 «Венгер коммунистлари ҳақида ҳикоялар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Каверзнев олиб боради. 20.25 Г. Горин, «Ким аслида ким?». Телевизион спектакль. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Г. Канчели. Тўртинчи симфония. Грузия ССРда хизмат кўрсатган Давлат симфоник оркестри. Ижро этади. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Динамо» (Москва). МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Само саргузаштлари». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шонли саҳифалар». 18.45 «Ишга тушириладиган объектлар сарға». Бухоро ип газламалар комбинати. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Ижод гулшани». Телевизион журнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Навқирон балет премьераси. «Пахта» ва «Шарқ миниатюралари» балетлари ҳақида. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «30 ёшга тўлган кунда». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

24 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар!». ГДРдан олиб кўрсатилади. 10.55 «Менинг кўчам». Телевизион бадиий фильм. 12.10 «Рига» духовой оркестри чалади». Фильм-концерт. 15.00 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 15.45 «Тарих саҳифалари». Киев Руси. 16.15 Владимир Ильич номли завод Маданият уйининг камер хори куйлайди. 16.30 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. Эндшпиль. 17.00 «Москва ва москваликлар». 17.30 «Қувноқ нотлар». Ёш вокалистлар конкурси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 54 йиллигига бағишланган МХР телевидениесининг программаси. 19.55 «Саргузашт фильмлар экранда». «Паспортсиз киши». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинопанорама». 23.35 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 00.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «М. Ю. Лермонтовнинг қадамжолари бўйлаб». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Катта оила». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «В. Маяковский ижодига обзор». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Болалар учун. «Ўсмирлар ижоди».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Леопольд лақабли мушукнинг қасос олиши». Болалар учун мультфильм. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 1978 йилги Узбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреатлари. 18.50 «Идеология ва ҳаёт». «Халқ жасоратининг солномаси». Қаршн чўлини ўзлаштирувчилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби ҳақида. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 «Саҳна устаси». М. Уйғур. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада коллективларининг республика конкурси. Маргилон «Наврўз» ҳаваскорлик вокал-чолғу ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.30 «Олис орол сири» Болалар учун мультфильм. 20.00 «Қорли жилолар». Фильм-концерт.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

▲ҲАР ТЎҒРИДА

ЯНГИ ЛАВОЗИМ

Америка матбуотида АҚШнинг ўтмиш давлат секретари Генри Киссинжерга ўз дипломатик талантини спорт соҳасида ҳам синаб кўришни тавсия этилганлиги ҳақида хабар тарқалди. Миллий футбол командани ниҳоят халқаро майдонга олиб чиқишга ёрдам бериш мақсадида Киссинжерга Америка миллий футбол лигаси маслаҳатчиси вазифасини эгаллаш таклиф этилди. Ўтмиш давлат секретари футболнинг энг ашаддий ишқибози ҳамда билагони сифатида маълум ва машҳурдир. У фақат ўз мамлакати доирасида ўтказиладиган матчлар билангина эмас, балки чет элларда ўтказиладиган ўйинлар билан ҳам қизиқади. Шунинг учун ҳам иложи борича бу учрашувларни бориб кўришга ҳаракат қилади. Жумладан, унинг жаҳон чемпионатининг сўнгги икки ўйинида қатнашганлигини қайд қилиб ўтмоқ кифоя.

Киссинжерни бу лавозимга тайинлаш масаласи миллий футбол лигасининг бўлажак яқин йигилишларида кўриб чиқилади. Киссинжерга топшириладиган муҳим масалалардан бири миллий командани 1990 йилги жаҳон чемпионатига тайёрлашдан иборатдир.

СОҚОВЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН

Шу йилнинг охиридан бошлаб Канадада телефон аппарати олдига соқовлар тушуниши учун хизмат қиладиган қўшимчани сотиш йўлга қўйилади. Олд қўшимчанинг ташқи қурилмаси портатив ёзув машинкасига ўхшаб кетади. Фақат бунда клавиатура тепасидаги силжийдиган қисм ўрнига электрон калькулятор сингари кичик экран ўрнатилган бўлади. У ҳар иккала абонентларда ҳам бўлиши лозим. Сўзлашувни бошлаш учун олд қўшимча доимий аппаратга уланади ва керакли номерлар терилади.

Симни нариги охирида қўнғироқдан дарак берувчи лампочка ёнибўча бошлайди. Агар абонент жавоб бераётган бўлса, индикатор ишлайди. Шундан сўнггина керакли текстни ёза бошлаш мумкин. Айни бир вақтнинг ўзида бу ёзув нариги томонда ҳам пайдо бўлади.



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ЁРДАМИДА

Ҳаммаёқда осойишталик. Атрофни симёғочлардаги электр лампочкалардан таралган нур ёритиб турибди. Чинор дарахтларининг кўланкасида пайдо бўлган кимса Киров районидаги Кислородск кўчасига жойлашган 42-магазин ёнига келганда ўзини чекқага олиб тўхтади. Бир зум атрофни кузатиб турди-да, ўрнидан қўзғалди. У ёлғони мўлжаллаб қўйган жойи девордан ошиб магазин ховлисига кирди. Ҳеч қандай хавф-хатар сезмагач, ишга киришди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. У 20 шиша «Лаззат» виноси ва 35 сўм пул олиб кўчага ҳали бир қадам ҳам қўймасдан рўпарасида пайдо бўлган тунги посбонларни кўриб қотиб қолди. Вақт ўтган эди. Қочиб қолишнинг иложи йўқ.

Сержант Т. Мирхўжаев, Х. Файзиев, Ф. Раззоқовлар тунда магазинга ўғриликка тушган Валерий Николаевич Оришинни қўлга олишди. Қандай қилиб бу иш осонлиқча ҳал бўлди? Жиноятчи даррол ушлаб олинди, деб ўйларсиз албатта? Эндиликда совет милицияси қўлидаги замонавий техника ёрдамида бундай ўғриларни қўлга тушириш унчалик қийин бўлмай қолди. Бу борада айниқса Киров районида намунали ишлар қилинмоқда. Ҳозирги пайтда район ижроия комитети қошидаги корхонадан ташқари соқчилик бўлими марказий пульти орқали давлатнинг объектлари қўриқланмоқда.

Бегона шахс ичкарига кириши биланоқ марказий пультда белги пайдо бўлади. Навбатда турганлар эса даррол ўша жой томон йўл оладилар. Шундай қилиб жиноятчилар бир зумда қўлга олинади.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Марказий пульт операторлари Б. Муҳаммадхўжаева ва В. Сушкина.

• (Пастда) оператив группа йўлга чиққан пайт.

С. Хожиев фотолари.



4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

23 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42, 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг нашриёт диспетчери навбатчилари — 33-90-50.

Р—13231.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1466.